

QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-son)



FILOLOGIYA
PHILOLOGY

ҲАЗИЛ НУТҚИЙ ЖАНРИ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

*Диёра АВЕЗМУРАТОВА,
Урганч давлат университети
Хорижий филология факултетлараро
чет тиллари ўқитувчиси E-mail:diyoraaa@gmail.com*

Аннотация: Ушбу мақолада ҳазил нутқий жанрининг тил хусусиятлари ҳақида гап боради. Бунда ҳазил нутқий жанрининг мазмуний турлари ва тузилиши, композицион қурилишга эгаллиги, шу билан бирга, прагматингвистик ва миллий-маданий хусусиятлар мавжудлиги алоҳида аҳамиятлидир. Ҳазил нутқий жанрининг аёллар, эркаклар, болалар, кексалар, ёшлар ва ҳоказоларга йўналтирилган турларининг перлокутив босқичининг муваффақиятли амалга ошиши ҳазил ифода қилинган вазият билан таниш бўлган аудиториянинг мавжудлигига боғлиқдир.

Калит сўзлар: матн, тасвир, ҳазил аудиторияси, прагматик мазмун, қоришиқ мазмун, композиция, нутқий бутунлик.

Аннотация: В данной статье речь идет о языковых особенностях речевого жанра «шутка». При этом особое значение приобретают типы содержания и структура юмористического речевого жанра, имеющего композиционную структуру и в то же время наличие прагматингвистических и национально-культурных особенностей. Успешная реализация перлокутивного этапа юмористического речевого жанра, обращенного к женщинам, мужчинам, детям, старикам, молодежи и т. д., зависит от наличия аудитории, знакомой с ситуацией, в которой высказывается шутка.

Ключевые слова: текст, образ, юмористическая аудитория, прагматическое содержание, смешанное содержание, композиция, целостность речи.

Annotation: This article deals with the linguistic features of the speech genre “joke”. At the same time, the types of content and structure of the humorous speech genre, which has a compositional structure and at the same time the presence of pragmalinguistic and national-cultural characteristics, acquire special importance. The successful implementation of the perlocutionary stage of the speech genre “Joke”, addressed to women, men, children, old people, youth, etc., depends on the presence of an audience familiar with the situation in which the joke is expressed.

Key words: text, image, humorous audience, pragmatic content, mixed content, composition, integrity of speech.

Кириш: Нутқий жанрлар назариясининг тилшуносликка кириб келиши бевосита тил тизимидаги нутқий бутунликлар тадқиқи билан боғланади. Рус филологи М.Бахтиннинг нутқий бутунликларнинг ўзига хос нутқий мақсад, композицион тузилиш ва услубий хусусиятларга эгаллиги тўғрисидаги назарий қарашлари ҳозирги кунда нутқий жанрлар назариясининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланишига ва қарор топишига назарий асос бўлди³¹⁸. Тил тизими нутқий жанрларга бой. аммо туркум нутқий жанрлар ва алоҳида нутқий жанрларнинг туркум хусусиятларини аниқлаш мураккаб масаладир. Шу боисдан ҳам бир неча йиллар давомида нутқий жанрларга бағишланган қатор илмий тадқиқот ишлари юзага келди³¹⁹. Ўйлаймизки, дунё тилшунослигида кенг тарқалган илмий назариялар ўзбек ва қиёсий тилшунослик учун ҳам тегишлидир. Айтиш мумкинки, ҳар бир нутқий жанр турли тизимли тилларда ўзига хос композицион тузилиш ва миллий маданий хусусиятларга эга. Масалан, ўзбек тилидаги ҳазил нутқий жанри. Қуйида ўзбек тилидаги ҳазил нутқий жанрининг матний хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.


Муҳокама: Тил тизимида ҳазил нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари ҳақида гап борганда шуни айтиш керакки, ҳазил нутқий жанри мазмуний қисмида адресантнинг адресатга кулгу, мазах қилиш, тегишиш, ҳазиллашиш каби прагматик ишоравий нутқий ҳаракатлари кузатилади. Ҳазил нутқий жанри *латифа, анекдот, аския, хажвия, прикол, шеър, табрик, мақол, топишмоқ, қўшиқ* каби бошқа нутқий жанрлар таркибида қоришиқ мазмунда ифодаланади.



³¹⁸ Ф.Хасанова. Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Тошкент, 2019, 155-бет; М. Анорбоева. Инглиз ва ўзбек тилларида қадах сўзи нутқий жанринингташкилий ва матний композицион тузилиши. НамДу илмий хабарномаси. 2023, №5, 332-335 бетлар; Жўраев А. Minnatdorchilik bildirish nutqiy janri verbal , nonverbal va lingvistik atributlarining o'ziga xosligi.Farg'ona davlat universiteti FarDU ilmiy xabarlar 2024-yil №2, 313-318 бетлар.

³¹⁹ Бахтин М.М. Проблема речевых жанров Литературно-критические статьи. – Москва.: Художественная литература, 1986, – С. 428-472; Дементьев В.В. Теория речевых жанров (Коммуникативные стратегии культуры). – Москва, 2010. – С. 584

Ҳазил нутқий жанрининг ўзига хослиги сифатида шуни айтиш керакки, ҳазил нутқий жанри матн ва тасвир ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бунда матн сифатида ифодаланганда хажвия, аския, анекдот, латифа, қўшиқ, топишмоқ, мақол, табрик, шеър, тасвирлар орқали ифодаланганда эса ҳазил расмлар, видеолар, турли предметлар, турли хатти-ҳаракатлардан иборат бўлади. Буни қуйидагича тасвирлаймиз:



Шуни айтиш керакки, ҳазил нутқий жанрида ҳазил матни ва тасвирдаги прагматик маънонинг мавжудлиги ва мазмуннинг ўзгариши гап ва тасвирнинг ҳазилга айланишини таъминлайди. Масалан,

Янги йилни нишонлаб тонгга яқин бир аҳволда уйга кириб келган эрни хотини кутиб олибди. –Юзимга қарашга энди қандай чидайсиз?– дебди хотини. Эр бўлса унга: - Хечқиси йўқ, онаси, шунча йил чидаб келяпман, бу ёғи ҳам қарайвераман, - дермиш.

Ушбу латифада юзига қарамоқ феъли икки маънода қўлланилган. Аёл нутқида қандай юзимга қарайсиз гапи прагматик жиҳатдан “уялмайсизми” маъносида қўлланилган бўлса, эр нутқида оддий юзига қараш маъносига алмаштирилган, натижада юзи хунук маъноси келиб чиққан [6].

Ушбу мисолда эса ҳазил объекти болага хос қилиқлар айб ҳисобланмаслигига қаратилади. Масалан,

Қишлоқдаги болакай: - Ойижон, челақдаги сутга сичқон тушиб кетти. –Вой, шўрим қурсин! Дарров олиб ташла!

-Йўқ. Мен челақ ичига мушукни ташладим. Ҳозир сичқонни ушлайди.

Ушбу ҳазил объектида сут бу ичишга мўлжалланган тоза маҳсулот эканлиги, аммо сутнинг ичига сичқоннинг тушиши уни энди ичиб бўлмаслиги сабабли ҳам она нутқида сичқонни олиб ташла буйруғи келтирилган. Аммо боланинг сичқонни олиб ташлашни рад этиши, рад этишнинг сабаби эса челақ ичига сичқоннинг душмани бўлган мушукни ташлаганлиги асос қилиб кўрсатилган[4]. Ушбу ҳазилнинг моҳиятида мушукнинг сичқонни еб қўйиш факти ушбу ҳазилнинг яратилишига сабабчи бўлган ва бу ҳазилда она фарзандининг болаларча фикр юритиши, болаларга хос бўлган одат бўйича ҳаракатланиши кузатилади. Аслида ушбу воқеа айни ҳақиқат эмас, лекин тасаввурда

шаклланиши мумкин бўлган воқеадир. Айтиш мумкинки, ушбу воқеанинг ҳазилга айланиши бевосита болалар ҳулқи билан боғлиқ тасаввурнинг ривожлантирилишидир.

Ҳазил нутқий жанрида ҳазил объектининг кўлами кенг. Унинг объектига сифатида шахс, воқеа, предмет, турли инсоний муносабатлар кабилар кириши мумкин. Ҳазил ҳар қандай матн ва тасвир ёрдамида ифодаланмасин, ҳазил объектининг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиш мақсадида мақтов, айблов, танқид, кесатик, киноя, ҳақорат, шикоят каби мазмунларда тузилади. Масалан, ушбу мисолда аёлнинг оддий ва замонавий яшаш тарзининг қиёси ҳам ҳазил сифатида шаклланган. Масалан,

Ало, дугон, бормисан?

Юрибсанми саломат.

Таътилларга чиқволиб,

Топдингми бир ҳаловат?

Мен яна ўша-ўша,

Саёҳатларда елдим.

Ҳозирча Дубайдаман,

Кеча Лондондан келдим.

Сен-чи, ўзингдан гапир,

Бир жойларга бордингми?

Ўзинг орзу қилганинг,

Шаҳарларни кўрддингми?

-Нимасини айтасан,

Отпуснойни олволиб.

Дунё кезиб юрибман,

Чўнтагимга солволиб.

“Усталистон”да бўлдим,

“Компотия” шаҳрида.

“Болақарагистон”у,

Султонимнинг захрида.

“Қиёмистон”, “Шакароп”

Диёрлари бир гўзал.

Гидам, кўрпача ювиб,

Ёзгинг келади газал.

“Богистон”, “Далаистон”,

Оҳ, шаббода елади,

Илҳомларикелиб шеърлар,

Айтгиларинг келади.

Биз томонларга келсанг,

Ҳаммасини биласан.

Уйдан бир қадам чиқмай,

Дунёларни кўрасан.

Кўринадики, ушбу ҳазил матни прагматикасида саёҳатга бормай, уста боққани, қишда истеъмол қилиш учун мўлжалланган компот, қиём, шакароп қилгани, гилам, кўрпача ювгани, боғда, далада ишлагани, булар эса бир дунё иш эканлиги, ушбу ишларни қилиш саёҳат вақтига тўғри келгани ва булар дунё саёҳати билан тенглаштирилиши мумкинлиги ҳақидаги хабар ётади. Бунинг кулгули тарафи шундаки, ўзбек аёлларига хос бўлган оиладаги итоаткорлик, оила учун зарур бўлган юмушларни бажариш, қиш мавсумига тайёргарлик каби вазифаларни бажариш саёҳат қилишдан афзал деб топилган. Айниқса, аёлнинг ишлаб топган пуллари ҳам саёҳатга сарфланмай, оила бюджетига киритилгани, пулларнинг фарзандлари ва оиласи учун умумий сарфланиши ўзбек аёлининг ўзига хос яшаш тарзи ва миллий тафаккурини кўрсатиб беради. Айниқса, белгиланган ишларни бажариб, далада, боғда ишлаб, у ердаги ҳаводан роҳатланиш саёҳатдаги роҳатланиш билан тенглаштирилади. Масалан, *Оҳ, шаббода елади, Илҳомларинг келиб шеърлар,*

Айтгиларинг келади. Дунё саёҳатларига чиқишдан мақсад саёҳатчи киши айланиб, роҳатланиб, жонланиб, мотивация олиб, ҳаво алмаштириб, гўзал юртларни кўргач, улардан баҳра олиб, шеърлар ёзиши мумкин. Ушбу ҳазилда эса боғ ва далалар гўзал юртларга тенглаштирилган. Айниқса, уйдан дунё айланиш мақсадида кўчага чиқиш шарт эмаслиги, уйдаги юмушларни бажаришнинг ўзи дунё айланиш билан тенглиги ҳақидаги ўзбек аёлининг ҳазили ўзбек аёллари қалбида кулгу уйғотади. Бу эса ҳазил нутқий жанрида миллий-маданий қарашларнинг акс этишининг яққол далилидир.

Яна бир ўзбек аёли билан боғлиқ ҳазилда эр ва хотин муносабатларида аёлнинг итоаткорлиги ёрқин акс этади. Аммо бу воқеа Европа мамлакатларида юз берса, бу ҳазил ўзбек аудиторияси қабул қилганчалик мазмунда кулгуга эга бўлмаслиги мумкин. Демак, ҳазил нутқий жанрида ҳазил аудиторияси ҳам муҳимдир. Масалан,

Судья сўрар эркакдан:

-Қай пайтда тинч юргансиз?

Аёлингиз нечун

Ичиб келиб ургансиз?

Айбдор дер: -Хушёр чоғим

Юзидан бир ўпганман.

Кайф бўлиб, жаҳлим чиқса,

Урмаганман, тепганман.

Ушбу мисолда ўзбек аёлларида оила бошлиғининг, яъни эркак сўзининг кучлилиги, ҳатто, жоиз бўлса, сўкиши, танбеҳ бериши, кези келганда аёлга нисбатан куч ишлатилиши, қўл билан уриши, тегиши каби ҳатти-ҳаракатлар ўзбек эркаклари учун айб саналмаслиги, ўзбек аёлининг эрининг бу муносабатини ижобий қабул қилиш, оилани сақлаб қолиш учун бу муносабатларга чидаш лозимлиги ўзбек тафаккурининг миллий хусусиятларидандир. Бундан келиб чиқиб, ҳазил нутқий жанри миллатнинг тафаккури ва

қарашлари асосига қурилади, ҳазилни муваффақиятли тушуниш ҳазилда ўз ифодасини топган жамият вакиллари тафаккурига боғлиқ, шу сабабли ҳам ҳазил коди ҳазил учун танланган жамиятнинг вакиллари учунгина ёқидир. Демак, ҳазил нутқий жанрида ҳазил коди учун ҳазил объектига олинган вазиятдан хабардор бўлган аудиториянинг иштироки зарурдир.

Хулоса: Ҳазил нутқий жанрида ижтимоий ва гендер хусусиятлар мавжуд. Бунда аёллар, эркеклар, болалар, кексалар, ёшлар ва ҳоказоларга йўналтирилган ҳазилларнинг тушунилиши, муваффақиятли чиқиши ушбу ёшдаги ва гуруҳдаги аудиториянинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Чунки бу гуруҳдаги ва ёшдаги аудитория ҳазилдаги прагматик маънонинг талқин қилинишидаги ижтимоий кодларни прагматик жиҳатдан тезроқ тушунадилар.

Юқоридаги фикрларга таяниб шуни айтиш мумкинки, ҳазил нутқий жанри юзасидан ижтимоий лингвистик ва прагматингвистик тадқиқотлар олиб бориш тилшунослар олдига улкан вазифалар қўяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Бахтин М.М. Проблема речевых жанров Литературно-критические статьи. – Москва.: Художественная литература, 1986, – С. 428-472
2. Дементьев В.В. Теория речевых жанров (Коммуникативные стратегии культуры). – Москва, 2010. – С. 584
3. Ф.Хасанова. Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Тошкент, 2019, 155-бет.
4. М. Анорбоева. Инглиз ва ўзбек тилларида қадах сўзи нутқий жанринингташкилий ва матний композицион тузилиши. НамДу илмий хабарномаси. 2023, №5, 332-335 бетлар.
5. Жўраев А. Миннатдорчилик билдириш нутқий жанри вербал, новербал ва лингвистик атрибутларининг ўзига хослиги. ФарДу, Илмий хабарлар, 2024, №2, 313-318 бетлар.